


Муаззинлик қилиш яхши эканлиги | Ҳадис дарслари (304-дарс)



19:00 / 23.10.2024 2333

صَاعِلَا يَبَأُنْبَنَامُتُعُ نَع
اي : لَأَقُ هُنَعُ هَلَلَا يَضَر
مَامَا يَنْلَعُجَا ، هَلَلَا لُوسَر
مُهُمَامَاتُنَا : لَأَقَف ، يَمُوق

ذِيخَاتُ أَوْ، مِهْفَعُضَابِ دَتُقَاو
أَرْجَاهُ هِنَاذَا يَلَعُ دُخَائِي أَلْ أَنْ دَوْمُ
يِرَاخُ بِلَا أَلْ إِةَسْمَخُ لْ أَوْ

Усмон ибн Абул Осс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мени ўз қавмимга имом қилиб қўйинг», деди.

У зот:

«Сен уларга имомдирсан. Сен уларнинг энг заифига эргаш ва ажр (иш ҳаққи) олмайдиган муаззин ол», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Аввало ушбу ҳадис ровийси Усмон ибн Абул Осс розияллоху анху билан танишиб олайлик:

Усмон ибн Абул Осс ибн Бишр ибн Абдуллоҳ ибн Духмон. Кунялари Абу Абдуллоҳ бўлган.

Бу улуғ саҳоба Сақиф қабиласидан элчи бўлиб келиб, Исломни қабул қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишини қавмларига бошлиқ қилдилар. Бу зот Исломда фақиҳ бўлишга, Қуръонни ўрганишга жуда ҳам қизиқар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳаётлик даврларида Тоифга бошлиқ бўлдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам вафот этганларидан кейин Тоиф аҳли муртад бўлишни ихтиёр этишганида бу зот уларни насиҳат ва ҳикматлар айтиб, қайтариб қолишга муяссар бўлдилар.

Усмон ибн Абул Осс: «Эй Тоиф аҳли! Исломга киришда шошилмай, охири кирган эдингиз, энди Исломдан қайтишда шошилиб, биринчилардан бўлиб қайтасизларми?» деганларида халқ у кишининг сўзларига қулоқ солиб, Ислом динида қолди.

Абу Бакр розияллоху анху бу ҳолатни кўргач, Усмон ибн Абул Оссни яна Тоифга бошлиқ қилиб тайинладилар. Бу киши Умар ибн Хаттоб розияллоху

анху халифалик даврларининг иккинчи йилигача Тоифда бошлиқ бўлдилар.

Сўнгра Умар розияллоху анху у кишини Уммон ва Баҳрайн фатҳига бошлиқ қилдилар. У ерларни фатҳ этишда иштирок этиб, Шаҳрик подшоҳни ўлдирдилар. Бундан ташқари, Форс ва Ҳинд ерларини фатҳ этишда катта ҳисса қўшдилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ушбу ҳадисда:

«Уларнинг энг заифига эргаш» деганлари намозни энг заифнинг ҳолига қараб, енгиллаштириб ўқи, деб тушунилади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Раҳбардан қавмга имом қилиб қўйишини сўраш жоизлиги.
2. Раҳбар томонидан қавмга имом тайинланиши.
3. Имом қавм ичидаги заиф кишиларни эътиборга олиб, намозни енгиллаштириши кераклиги.
4. Қавмнинг имоми бўлганидек, муаззини ҳам бўлиши лозимлиги.
5. Муаззинни имом танлаши.
6. Муаззин ажр (иш ҳаққи) олмай, муаззинлик қилиши яхши эканлиги.

Иш ҳаққи олмай, муаззинлик қилиш афзал, лекин шароитга қараб, ажр олишга рухсат берганлар ҳам бор.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.